



Савол:

Биз Кореяда ишловчи ўзбек мусулмон йигитлармиз. Хозир биз бир бинонинг курилишида ишляяпмиз, бу курилиш нима максадда курилаётганини суриштирсак бўлажак «ночной клуб»лар экан. Шунинг учун бу курилишларда ишлашнинг хукми кандай? Бу ердан ишлаб топилган пул халолми ёки харомми?

Жавоб:

Хурматли биродар, агар сизлар курилаётган бинонинг хакикатда ночной клуб учун курилаётганини билсангизлар у жойда ишлаш харом. У ердан топилган пул хам харом, бирок кимки билмасдан шундай ерда ишлаган бўлса билиб колганидан кейин у ерда ишни давом эттираверса, унинг аввалги топган пули халол, билганидан кейинги пули харом бўлади.

Бундай холатда иш жойини ўзгартириб бошка курилишга ўтиш керак. Аслида эса курилаётган бинони нима учун куриляпти деб сўраш шарт эмас, аммо бинонинг шаклидан айтганингиздек кабих жойлар учун курилаётганини сезиб колинса бир сўраб кўйилса ва хакикатда ёмон ишлар учунгина бўлса у ерда ишламаслик керак. Валлоху аълам